ГЛОБАЛ СИНТАКТИК СТРУКТУРА КОМПОНЕНТЛАРИГА ОИД АЙРИМ ҚАРАШЛАР

Зайниева Мадина Хуршиджон қизи,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда турли тилларнинг грамматик тизимига бағишланган ишларда синтактик сатҳнинг мураккаб ва кўп қатламли таркибини тадқиқ қилиш алоҳида долзарбликни касб этмоқда. Глобал синтактик структураларнинг қиёсий-функционал тадқиқи тилшуносликда янги соҳаларнинг юксалиши, шунингдек, лингвистиканинг бошқа фанлар билан интеграциясини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Ўрганилаётган ҳодисаларга тизимли ва мажмуавий ёндашиш асосида синтактик бирликларни функционал тилшуносликнинг янги йўналишлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уларнинг нутқий тузилмаларда тутган ўрни ҳамда синтагматик ва парадигматик муносабатларини аниқлаш заруратининг ўсиши мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. Тилшуносликда глобал синтактик структуралар ва унинг хусусиятларининг қиёсий-функционал тадқиқи масаласи кўплаб тилшуносларнинг қизиқишларига сабаб бўлган. Жумладан, макросинтактик бирлик ва унинг таснифи, глобал синтактик структуранинг бир тилдан бошқа тилга таржима жараёнида мазмуний ва формал акс эттирилиши, унинг синтактик қурилмасидаги моҳият кабилар тадқиқ этилган. Айни пайтда тилшуносликда макросинтактик бирликнинг қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари тизимида қиёсий-функционал тадқиқини замонавий методологик тамойилларга таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Глобал синтактик структура ва унинг синтактик хусусиятларининг қиёсий-функционал тадқиқини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқлари ва амалдаги илғор усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда бундан илмий жамоатчиликни хабардор этиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Глобал синтактик структуранинг грамматик назарияси дунё ва ўзбек тилшунослигида кўплаб илмий тадқиқотлар мавзуси бўлган. Айтиш жоизки, тилларда гап ҳақидаги синтактик назария умумийлиги билан бирга, хусусий белгиларига ҳам эга. Мазкур соҳада тилшуносликда самарали ишлар амалга оширилган. Жумладан, В.Н. Жигадло, И.П. Иванова, Л.Л. Иофик, А.В. Бондарко каби олимлар гапни талқин этишда турлича ёндашувлар мавжудлигини қайд этган ҳолда, гапнинг бўлаклари ва уларнинг ишлаш механизми борасида турлича қарашларни баён этишган. Ушбу масала В.Г. Адмони, К.П. Акуловаларнинг қарашларда ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра гап ҳақида асосли илмий-назарий хулосалар илгари сурилган. Бу борада ўзбек тилшунослари А. Ғуломов, М. Асқарова, Н.Турниёзов, Р. Сайфуллаева, Ш. Акрамов, Э. Қиличев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳам чуқур илмий-назарий қарашлар илгари сурилган.

Лисоний ҳодисалари тадқиқига “маънодан шаклга” ёндашуви татбиқи кенгайиши билан тил тизимининг парадигматик аспектига қизиқиш кучайди. Натижада, сўзловчининг лисоний билими ягона бир семантик категориянинг турли тил бирликлари воситасида ифодалаш имконини бериши инобатга олиниб, бунга муносабат билдирилмоқда.

Қардош бўлмаган тиллар макросинтактик бирликлар таркибидаги синтактик бирликлар ҳамда унинг синтактик (лингвистик) методлар ёрдамида қиёсий-функционал таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари атрофлича изоҳлаб

берилган. Аниқланган синтактик алоқалар базасида синтагматик йўналишда макросинтактик бирлик таркибидаги синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгилари, яъни компонент таркиби, парадигматик йўналишда эса синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини қиёсий функционал тадқиқ этиш синтактик типологиянинг муҳим бир аспекти эканлиги асосланган.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги давригача тилнинг ички системаси муаммолари атрофлича ўрганилди. Бундай улкан ютуқларни умумий тилшунослик доирасида ҳам, хусусий тилшуносликларда ҳам бемалол кузатиш мумкин. Бу давр ичида тил бирликларининг формал – структур таҳлили, семантик ва функционал таҳлиллари бобида салмоқли илмий натижаларга эришилдики, бундай муваффақиятлар барчамизникидир.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил илмининг ҳар бир соҳасида фундаментал тадқиқот ишлари бажарилганини кўрамиз. Бунда тилшунос олимларимиздан Ф. Камол, У. Турсунов, Ф. Абдуллаев, А. Ғуломов, А. Рустамов, Ғ. Абдураҳмонов, М. Асқарова, А. Ҳожиев, Х. Дониёров, Ш. Раҳматуллаев, А. Абдуазизов, А. Нурмонов, Ҳ. Неъматов, Н. Маҳмудов, ва бошқаларнинг улушлари самарали бўлди.

Бироқ барча фанлар сингари тилшунослик фани ҳам ҳар доим тараққиётдадир. Шу боис тадқиқотларимиз кун тартибига янги-янги муаммолар қўйилавериши ўзига хос қонуниятдир. Шундай бўлмас экан, фанда ўсиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди.

Айтиш лозимки, тилшунослигимизда ҳозирги давргача «тил ва нутқ» дихотомиясининг биринчи компоненти атрофлича ўрганилди. Унинг иккинчи мучаси, яъни нутқ билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқи тилшуносларимиз назаридан четда қолиб келди ёки мазкур масалага етарли эътибор берилмади.

Албатта, нутқ муаммолари тилнинг реал қўлланилиши масалалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда инсон омили муҳим мавқега эгадир. Чунки тил амалда инсон томонидан қўлланилади, унинг том маънодаги эгаси инсондир. Демак,тилнинг мураккаб системани тақозо этиши ҳам инсон тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

Тилга оид масалалар талқинига ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, тилшуносларимиз олдида ҳал этилиши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар турганлигини кўрамиз. Бундай муаммоларнинг айримлари, жумладан, нутқ лингвистикаси масаласи ҳозирги пайтда жаҳон тилшунослиги тадқиқотлари кун тартибига қўйилиб, долзарблик касб эта бошлади. Бошқача айтганда, нутқ лингвистикаси масалалари талқини бобида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот бугунги тилшунослигимизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Бироқ бу орқали тилнинг ички системаси ва унинг қонуниятлари билан боғлиқ бўлган масалалар изоҳталаб эмас, улар узил-кесил ҳал этилган, бугунги кунда тилнинг нутқда қўлланилиши билангина алоқадор муаммолар кун тартибига қўйилмоғи лозим демоқчи эмасмиз, албатта. Чунки тил системаси қонуниятлари билан бевосита боғлиқ бўлган баъзи масалалар борки, улар муаммоли эди ва тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида ҳам муаммолилигича қолмоқда. Бундай масалалардан бири тил бирликларининг иерархик (поғонали) муносабати талқинидир.

Мазкур масалага юзаки қаралганда бу соҳада барча муаммолар тўлиқ ўрганилганга ўхшайди. Дарҳақиқат, фонема билан морфема, морфема билан сўз, сўз билан гап сатҳлари орасида аҳамият касб этувчи иерархик муносабатларнинг илмий талқини

бобида бирор изоҳталаб масала кўзга ташланмайди. Лекин гап билан матн ўртасида амал қилувчи иерархик муносабат доирасида ҳали илмий талқинга муҳтож бўлган муаммолар мавжудлигини кўрамиз. Улардан бири гапнинг лингвистик мақоми билан бевосита алоқадордир. Сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқот ишларида уни қатъий равишда нутқ бирлиги тарзида талқин этилмоқда. Нутқ лингвистикаси масалалари эса эндигина кун тартибига қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, гапнинг амалдаги синтактик таҳлили асоссиз, деган хулосага олиб келади.

Бундай муаммолардан яна бири «қўшма гап» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Бизнингча, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши мақсадга номувофиқдир, зеро, мазкур термин истеъмолда бўлар экан, тил бирликларининг иерархик муносабатларини тақозо этувчи система қонуниятига путур етказилиши табиийдир. Бошқача айтганда, гап матн таркибида функционал фаоллик ололади, «қўшма гап» тушунчаси эса гап иккинчи бир гапнинг ичида функционал фаоллик олади, деган ғализ хулосага келишимиз учун имкон яратади. Ваҳоланки гап, гап ичида эмас, балки матн сатҳида функционал фаоллик олади. Шу боис тил бирликларининг иерархик муносабати масаласига жиддий эътибор бериш ва бу ҳақдаги назарияни қайта кўриб чиқиш лозим кўринади.

Мазкур масала талқини, ўз навбатида, тил бирликларининг нутқда қўлланилиши билан алоқадор бўлган, умуман олганда, нутқ лингвистикаси билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга ойдинлик киритишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Иккинчи томондан эса, масаланинг бундай қўйилиши ҳозирги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири бўлган матн лингвистикасининг илмий асосланиши, унинг талқини усуллари ҳамда вазифаларининг белгиланиши бобида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши билан бир қаторда, тилшуносликда «мураккаб бутунлик» тушунчасидан ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Масалан, ҳозирги рус тилшунослигида «сложное целое» термини ҳам қўлланилади. Бизнингча, мазкур терминнинг ишлатилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир, зотан, мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси матн мазмунига бирмунча яқинроқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «қўшма гап» термини ўрнига «мураккаб синтактик қурилма» терминидан фойдаланилмоқда. Мазкур терминни қўллашдан асосий мақсад, албатта, тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам функционал фаоллашувида иерархик муносабат қонуниятига амал қилишдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, анъанавий тилшуносликда қўшма гап ва унинг турларини ўрганиш борасида фундаментал тадқиқот ишлари бажарилган бўлишига қарамай, тилшуносларимиз назаридан четда қолган баъзи масалалар ҳам мавжуд кўринади. Буни қўшма гап турларининг белгиланишида, муайян бир тур ичида шу тургa кирувчи гапларнинг таснифида, боғловчи воситаларнинг функционал салмоғини аниқлашда ва шу каби қатор масалалар талқинида кузатиш мумкин. Бундай масалалар жумласига яна мураккаб синтактик қурилма шаклланишида туб ва таянч структураларнинг мавқеи, устпредикативлик масаласи, мураккаб синтактик қурилма нафақат тил системасининг, балки нутқ системасининг ҳам фаоллик кўрсатиши объекти эканлиги кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, мураккаб синтактик қурилмалар компонентларининг функционал талқини, семантик таҳлили, шунингдек, мураккаб синтактик қурилмаларнинг

психолингвистик назария асосида ўрганилиши каби қатор масалалар ҳам ҳозирги тилшуносликда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунга қадар боғланган ҳамда боғловчисиз қўшма гапларга қараганда эргаш гапли қўшма гаплар анча мукаммал ўрганилганлигини кўрамиз. Бундай ҳолат ўзбек тилшунослигида ҳам кузатилади. Тилнинг нутққа кўчирилиши, албатта, ҳозирги тилшунослигимизнинг ўта долзарб масалаларидан биридир, зотан, бу жараён тилнинг барча сатҳлари унсурларининг кесишиш нуқтасини ва уларга сўзловчи муносабатини тақозо этади.

Foydalanigan adabiyotlar:

1. Khayrullaev K. Z. The relation of word, word composition and sentence to the predicativeness //Abstract of candidate dissertation. –Tashkent. – 2001.
2. Turniyozov N., Turniyozova K., Xayrullayev X. Struktur sintaksis asoslari //Samarqand: SamDCHTI. – 2009.
3. Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис). - Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 232 б.
4. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис):–М., 1977.-С 234-235.
5. Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн синтаксиси. – Фарғона: ФарДУ нашри, 2002.
6. Маҳмудов Н., Нурмонов А.Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент, 1995 – 172 б.
7. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал тадқиқи. –Тошкент, 1994. – 356 б.
8. Тожиев Ё. “Матн”га ёндашув // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (илмий мақолалар тўплами). У-чиқиши. – Тошкент, 2010. – Б. 200.
9. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1990.
10. Турниёзов Б.Н. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси// Номз.дисс.автореф. – Самарқанд, 2006. – 20 б.
11. Хайруллаев Х. З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати //Номзод. дис автореферати. Тошкент. – 2001.
12. Хайруллаев Х. О лингвистической природе уровней языка и речи //Вопросы филологических наук. – 2009. – №. 2. – С. 78-79.
13. Хайруллаев Х. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. – 2002.